

А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш тўғрисида)

2022 йил 13 июль куни жиноят ишлари бўйича Марғилон шаҳар суди, Марғилон шаҳар “Иқбол” маҳалла фуқаролар йиғини биносидида, очик сайёр суд мажлисида, раислик қилувчи Ш.Каримов, И.Исмоиловнинг котиблигида, Марғилон шаҳар прокурори ёрдамчиси Н.Қобилжонов, жабрланувчилар М.Икромов, Н.Махмудов ва гумон қилинувчи У.Махмуджоновнинг иштирокида,

Махмуджонов Усмонжон Улуғбек ўғли, 2001 йил 24 ноябрь куни Марғилон шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, ҳайдовчи, уйланмаган, муқаддам судланмаган, Қўштепа тумани, Хумдон маҳалла фуқаролар йиғини, Баҳт кўчаси, 19-уйда яшайди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 266-моддаси 1-қисми билан гумон қилинувчига оид 1-1513-2202/397-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Гумон қилинувчи 2022 йил 07 июнь куни соат 20⁰⁰ларда ларда У.Махмудонов Дамас русумли 40 S 950 AA давлат белгили автомашинани Марғилон-Тошлоқ-Қува йўлидан Қува йўналиши бўйича Марғилон шаҳар Йўрмадўз МФЙ худудида бошқариб бораётиб, амалдаги “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 77-бандида кўрсатилган «Ҳайдовчи ҳаракатнинг серкатновлигини, транспорт воситаси ва юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатини, йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек, ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни ҳисобга олган ҳолда транспорт воситасини белгиланган тезликдан оширмасдан бошқариш керак. Тезлик ҳайдовчига ушбу Қоидалар талабларини бажариш учун транспорт воситасининг ҳаракатини доимий назорат қилиб бориш имкониятини бериши керак. Ҳаракатланиш вақтида ҳайдовчи аниқлай олиш имкониятидаги хавф юзага келса, у транспорт воситасининг тезлигини у тўла тўхташни таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавф туғдирмайдиган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриши керак»-деган талабларини кўпол равишда бузиб, транспорт воситасини ҳаракатини доимий назорат қилиб бориш имконини берувчи тезликдан ошириб бошқариб, оқбатда бошқарувни йўқотиб йўналишида катнов қисми чеккасида тўхтаб турган С.Мухитдиновга тегишли Исузи русумли 40 X 533 WA давлат белгили автомашина билан тўқнашув содир этган. Оқибатда автомашинасида бўлган йўловчилар Икромов Мухаммадрасул ва Махмудов Нурбек турли оғирлик даражасида тан жароҳати олиб даволаниш учун шифохонага ётқизилганлар.

Судга оид тиббий экспертизанинг 13.06.2022 йилдаги 1761-сонли хулосасига кўра М.Икромовда чап оёқ 5-бармоғини бармоқ қафт бўғимидан



ёпиқ тўлиқ чиқиши, бармоқ кафт бўғимини ҳаракат тизимини зарарланиши, кичик бўғимни лат ейиши, ҳаракатини чегараланиши, бўғимни юмшоқ тўқимасини лат ейиши, пешона соҳасини, ўнг қўли кафти усти соҳасини, ўнг билагаи соҳаларини йиртилган яралари аниқлангани, аниқланган тан жароҳатлари ўртача оғирликдаги тан жароҳатларга киришлиги кўрсатилган.

Судга оид тиббий экспертизанинг 14.06.2022 йилдаги 1800-сонли хулосага кўра Н.Махмудовда чап оёқ сон суягини ўрта 3/1 қисмидан ёпиқ силжиб синиши, чап оёқ 1 бармоғи кафт суягини қирғоқли ёпиқ синиши, синиқлари жойлашган соҳаларини юмшоқ тўқималарини лат ейиши, чап билагаи соҳасини, тўши соҳасини шилинмалари, ўнг оёқ болдирлараро синdezмосни йиртилиши, юмшоқ тўқималарини лат ейишлари аниқлангани, аниқланган тан жароҳатлари оғир шикастлар тоифасига киришлиги кўрсатиб ўтилган.

Дастлабки терговда гумон қилинувчи У.Махмуджонов ва жабрланувчи М.Икромов ариза билан мурожаат қилишиб, жиноят ишини ярашганликлари муносабати билан тугатишни сўрашган.

Жабрланувчи М.Икромов суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, 2022 йил 7 июнь куни соат 20⁰⁰ларда Марғилон шаҳар Йўрмадўз МФЙ ҳудудида бошқариб кетаётиб, йўл чеккасида турган Исузи русумли 40 X 533 WA давлат белгили автомашина билан тўқнашиб кетгани, натижада улар тан жароҳати олиб ТТЁга мурожаат қилишгани, ҳозирда соғлиги яхшилиги, У.Махмуджоновга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги, аризани ўз хоҳиши билан ёзгани, унга бирон-бир тазйиқ бўлмагани, ярашув суд томонидан тасдиқланганидан кейин келиб чиқадиган ҳукуқий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Жабрланувчи Н.Махмудов суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, 2022 йил 7 июнь куни соат 20⁰⁰ларда Марғилон шаҳар Йўрмадўз МФЙ ҳудудида бошқариб кетаётиб, йўл чеккасида турган Исузи русумли 40 X 533 WA давлат белгили автомашина билан тўқнашиб кетгани, натижада улар тан жароҳати олиб ТТЁга мурожаат қилишгани, ҳозирда соғлиги яхшилиги, У.Махмуджоновга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги, аризани ўз хоҳиши билан ёзгани, унга бирон-бир тазйиқ бўлмагани, ярашув суд томонидан тасдиқланганидан кейин келиб чиқадиган ҳукуқий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Гумон қилинувчи У.Махмуджонов суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, 2022 йил 7 июнь куни тахминан соат 20⁰⁰да ўз бошқарувида бўлган, Дамас русумли 40 S 950 AA давлат белгили автомашинани Марғилон-Тошлоқ-Қува йўлидан Қува йўналиши бўйича Марғилон шаҳар Йўрмадўз МФЙ ҳудудида бошқариб бораётиб, бошқарувни йўқотиб йўлнинг чеккасида турган Исузи русумли 40 X 533 WA давлат белгили автомашина билан тўқнашиб кетгани, ҳозирда зарарларни тўлиқ қоплагани, айбига ўз ихтиёри билан тўлиқ иқрор эканлиги, қилмишидан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлиги, жабрланувчига етказилган зарарни тўлиқ қоплагани, ҳозирда жабрланувчи билан бирон-бир



тазйиксиз ярашиб олганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66¹-моддасига мувофиқ, Жиноят кодексининг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилгани муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд жабрланувчи М.Икромов ва гумон қилинувчи У.Махмуджоновнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши хужжатлари билан ўрганиб, Марғилон шаҳар прокурори ёрдамчиси Н.Қобилжоновнинг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрларини эшитиб, гумон қилинувчи У.Махмуджоновнинг муқаддам судланмагани, айбига ихтиёрий иқрорлиги ва етказилган зарар тўлиқ қоплангани, жабрланувчи ва гумон қилинувчига бирон-бир тазйиқ бўлмагани, ярашув жабрланувчи ва гумон қилинувчининг хоҳишлари билан бўлаётгани ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят Жиноят кодексининг 66¹-моддасига мувофиқ, ярашувга тушишини инobatга олиб, У.Махмуджоновга нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим топди.

Шунингдек, суд, жабрланувчи М.Икромовга Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг, у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 84-моддаси 4-қисми, 585–586-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

Махмуджонов Усмонжон Улуғбек ўғлига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 266-моддаси 1-қисми билан юритилган жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддаси 4-қисмига асосан унинг айблилик масаласи ҳал қилинмасдан тугатилсин.

Гумон қилинувчи У.Махмуджонов Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига асосан жиноий жавобгарликдан озод қилинсин.

Жабрланувчи М.Икромовга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотиши тушунтирилганлиги инobatга олинсин.

Ажрим устидан ўн сутка ичида жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят судига апелляция тартибида хусусий шикоят берилиши ёки протест келтирилиши мумкин.

Раислик қилувчи

Ш.Каримов



Маъсул судья: Каримов Шукуржон Каримович



Хужжат имзоланган: Каримов Шукуржон Каримович, 05.08.2022

